

## БОЛАЛАРНИ ОВҚАТЛАНИШИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА АНТРОПОМЕТРИК КҮРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ НАТИЖАЛАРИ

Усмонова. Г.Б

*Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш институти Фарғона филиали*

**Аннотация:** Болаларда жисмоний ривожланиши белгиловчи морфологик кўрсаткичлар жуда муҳим саналиб, жисмоний соғлом ўсишини назорат килишда антропометрик ўлчовлар асосий ўрин тутади .Тиббиётда айниқса педиатрияда бу кўрсаткичларни назорат килиш кенг қўлланилади.

Антропометрик кўрсаткичларга болаларнинг насли, иштимоий келиб чикиши, озиқланиши, иқлим шароити, руҳий ҳолати ўз таъсирини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** жисмоний ривожланиш, антропометрия, таъсир этувчи омиллар.

**Долзарблиги:** Болаларниг жисмоний ривожланишида ота-оналарни ирсияти, заарли одатлари, яшаш шароити, атрофдаги иқлим муҳити, кун тартиби, овқатланиш рациони ўзининг таъсир кўрсатиши билан адабиётларда такидлаб ўтилган. Болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари уларнинг ривожланиши жараёнини белгилаб беришда муҳим ўрин тутади (Даминов Т.О. ва ҳам муаллифлар 2010 й). Шунингдек, болаларни перинатал даврида онани бошидан ўтказган касалликлари ва руҳий ҳолати, овқатланиши, туғруқдаги патологик нуқсонлар ҳам ўз таъсирини кўрсатишини сўнгги 20 йил ичida илмий таҳлилийжихатдан ўраниш катта қизиқиш уйғотмоқда. Бундан ташқари ирсий омиллар, перинатал даврдаги экзоген-эндоген таъсирлар; конституция тури, моддалар алмашинуви интенсивлиги, организмнинг эндокрин фони, қондаги ферментлар фаоллиги, озиқланиш безлари секрециясини ҳам болалар организмини антропометрик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш катта аҳамиятгаэга. Шу нуқтаи назардан болалар жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари улар соғлигининг ишончли кўрсатгичи бўлиб ҳисобланади.

Мақсад: Фарғона водийси худудидаги болаларнинг антропометрик кўрсаткичларини овқатланишга боғлиқ ҳолда қиёсий таҳлил қилиш.

Методлар ва материаллар: Болаларни жисмоний ривожланишини баҳолашда морфологик кўрсаткичлари ҳисобга олинди.

Морфологик кўрсаткичлардан - электрон тарози ёрдамида тана вазни ва ростометр ёрдамида бўйи, сантиметрлента ёрдамида кўкрак қафаси айланаси, бош айланаси ўлчамлари текширилди.

Бу текширувлар Фарғона водийси(Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари)да яшовчи 80 нафар 0 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларда олиб

борилди. Кўрувдан ўтказилган болаларнинг 40 нафар (50%) она сути билан озиқланган 40 нафар (50%) сунъий озиқланиш билан озиқланган болалар. Улардан 40 нафари (50%) ўғил болалар, 40 нафари (50%) қиз болалар, 0 ёшдан 1 ёшгача 40 нафар, 1 ёшдан 3 ёшгача 20 нафар, 3 ёшдан 5 ёшгача 20 нафар.

Олинган натижалар: Болаларни антропометрик текширувда уларнинг яшаш шароити, касалликлари, туғруқдаги патологик ҳолатлар, туғма нуқсонлар, атрофдаги иқлим, овқатланиш ҳолати ҳисобга олинди. Сунъий озиқланиш билан катта бўлган болаларнинг 35% да тана вазнинг камлиги, 40 % бўйиниг узунлиги ёшига ҳос бўй узунлигидан паст эканлиги кузатилди. Болаларнинг тана вазни ва бўйини ўлчов кўрсаткичлари улар соғлом ривожланишини белгилаб беришини ҳисобга оладиган бўлсак кўрсаткичлар меъёридан камлиги бунинг аксини белгилаб беради.

Хулоса: Болаларни соғлом ривожланишига, яъни ирсий касалликлар, туғма нуқсонлар, яшаш муҳити, иқлим шароити, айниқса озиқланиши ўрганиб, салбий таъсий этувчи омилларни ўрганиб бартараф этиш чора тадбирларни тадбиқ қилиш. Шунингдек сунъий озиқланиш билан катта бўлган болаларнинг овқатланишида уларнинг соғлом ривожланиши учун керакли бўлган озиқ-овқатлар рационини тузиш. Тузилган рацион буклетларини тайёрлаш тадбирларини ишлаб чиқиш.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Беренс Р., Будерус Ш., Келлер К.-М., фон дер Остен-Сакен И. Болезнь Кроны и язвенный колит у детей и подростков. Практическое руководство. Dr. Falk Pharma GmbH. 2005. С. 46.
2. Богомолов А. Р. Клинические особенности заболеваний, протекающих с кровью в стуле у детей: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. Нижний Новго-род, 2002. 22 с.
3. Интенсивная терапия и принципы выхаживания детей с экстремально низкой массой тела при рождении/ Методическое письмо МЗСР РФ №15-0/10/2-11336.- 16.11.201.
4. Клиническое питание. Арвид Вретлинд, Арам Суджян. Стокгольм - Москва. 1990год.
5. Луфт В.М., Костюченко А.Л. Клиническое питание в интенсивной медицине. Санкт-Петербург, 2002, 173с.
6. А.М. Мазурин, И.М. Воронцов Пропедевтика детских болезней - СПб: ИКФ «Фолиант», 2006.- 928 с ил.
7. Непосредственное обследование ребенка /Под ред. В.В. Юрьева.- СПб.: Питер, 2009.-384 с.- (Серия «Национальная медицинская библиотека»).

- 
8. А.Г. Румянцев, М.В.Тимакова, С.М. Чечельницкая Наблюдение за развитием и состоянием здоровья детей.- М.: Медпрактика-М, - 2004.- с.11-5.
  9. Педиатрия: национальное руководство: в 2 т. - М.: ГЭОТАР – Медиа, 2009.-Т.1.- с.. 148-177- (Серия «Национальные руководства»).
  10. Педиатрия: национальное руководство: в 2 т. – М.: ГЭОТАР – Медиа, 2009.-Т.2.- с.776-807- (Серия «Национальные руководства»).
  - 11.ДАМИНОВ Т.А., ХАЛМАТОВА Б.Т, БОБОЕВА У.Р."Болалар касалликлар" Тошкент 2010 йил 32-39 бет.